O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 8 июль, № 131 (4030) Шанба



Ўзбекистон ва Россия мамлакатлари илм аҳли ўртасидаги ҳамкорлик изчил давом этмоқда. 2005-2006 ўқув йилида ҳамюртларимизнинг Россия олий ўқув юртларида, магистратура, аспирантура ва бошқа таълим муассасаларида таҳсил олишлари учун давлат линиялари бўйича 140 та стипендия ажратилди. Эндиликда Тошкентда М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг филиали ташкил этилиши юртимиз ёшлари учун яна бир имконият бўлди.

ТОШКЕНТДА МДУ ФИЛИАЛИ





Айни кунларда пойтахтимизнинг Мовароуннаҳр кўчасида мазкур филиал биносининг қурилиши давом этмоқда. "12-трест" очиқ акциядорлик жамияти бош бўлган беш юзга яқин қурувчининг қўли қўлига тегмайди. Замонавий техникалар, минора-кранлар қурилиш суръати ва сифатини таъминлашда муҳим омил бўляпти. Ҳозирда тўрт қаватли маъмурий бино, учта ўқув биноси, фаоллар зали ҳамда спорт мажмуаси барпо этиб бўлинди. Энди қурилиш-монтаж ва пардозлаш ишларига киришилади. Бунда "Туронмарказқурилиш", "Тошэлектромонтаж", "20-трест" каби ташкилотларнинг хизмати катта бўляпти.

Беш юздан ортиқ ўринга мўлжалланган университетда икки факультет бўйича таълим шу ўқув йилиданоқ йўлга қўйилади. Кейинчалик янги факультетлар, йўналишлар жорий этилиши кўзда тутилмоқда.

Анвар САМАДОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

СУРАТЛАРДА: МДУ филиали қурилишида.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

А.А.Азизхўжаевни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот котиби этиб тайинлаш тўғрисида

Алишер Аббосович Азизхўжаев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот котиби этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 7 июль.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

А.А.Азизхўжаевни Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири лавозимидан озод этиш тўғрисида

Алишер Аббосович Азизхўжаев бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 7 июль.

Андижон туманининг Храбек қишлоғида «Ўзбек-пластик БАКС» масъулияти чекланган жамият бўларди. 350 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилиб, Буюк Британиянинг «Нью капитал инвестмент лимитед» компанияси

Сармоялар самараси ошмоқда

билан ҳамкорликда «Водий пластик» қўшма корхонаси ташкил этилгач, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кескин ортиб, сифати яхшиланди. Хорижий инвестиция ҳисобига янги ип йигирув линияси, 26 та тўқув, 10 та тикув дастгоҳлари, босма-матбаа ва қайта ишлаш машиналари олиб келинди. Натижада 150 та янги иш ўринлари яратилди. Аввалари ойига ўрта ҳисобда 400-500 минг донадан қоп тайёрланган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич салкам миллион донага етди.

Жорий йилнинг ўтган ойларида корхона жамоаси ўз мижозларига 2,5 миллиарддан ортиқ пишиқ, сифати аъло пропилен қоп етказиб берди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ҳомийлар ва шифокорлар йили дастурининг ижросини таъминлаш борасида жорий йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова бошқарган анжуманда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий жараёнлардаги фаоллигини янада оширишга қаратилган ишлар қўлами ва самарадорлиги сезиларли даражада юксалгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг Фармонига биноан жойларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга доир ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчиллик билан жорий этилмоқда. Чунончи, ҳисобот даврида салкам 65 минг аёл иш билан таъминланди. Бунда кичик бизнес ва касаначиликка алоҳида эътибор берилмоқда.

Президентимизнинг 2006 йил 5 майда қабул қилинган «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса, қишлоқ жойларда аҳоли кенг табақаларининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш учун маблағлар беришни янада кенгайтиришга қаратилган. Шу муносабат билан Хотин-қизлар қўмитасининг жойлардаги ташкилотлари тадбиркорлик билан шуғулланишни ният қилган хотин-қизларга фармон моҳиятини тушунтириш, кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлашда уларга яқиндан кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

2006 йилнинг ўтган 5 ойи мобайнида тижорат банклари томонидан хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун икки миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратилган. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 33 фоиз кўпдир.

Пленумда Ҳомийлар ва шифокорлар йили дастури ижросини таъминлаш мақсадида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёшларни оилага тайёрлаш масаласига эътибор янада кучайгани таъкидланди. Бу борада маҳаллаларда, олий ўқув юртларида, ҳарбий қисмларда ва меҳнат жамоаларида «Спорт-саломатлик гарови», «Соғлом қиз — соғлом она», «Боланинг бегонаси бўлмайди», «ОИТСсиз келажак сари» каби долзарб мавзуларга бағишланган тадбирлар мунтазам ташкил этилаётгани ўз самарасини бермоқда.

Анжуманда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Жасур КЕНГБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Японияда Ўзбекистонни яхши билишадими?

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон — Япония марказида Японияннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юичи Кусумото билан учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда элчи кунчиқар мамлакат Ўзбекистон билан 1992 йилдан буён дипломатик алоқаларни ўрнатиб келаётганлигини айтиб ўтди. Шу давр ичида икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни ривожлатириш йўлида кўплаб олий даражадаги икки тарафлама ташрифлар уюштирилди.

— Шу йилнинг июнь ойида Токиода "Марказий Осиё + Япония" ташқи ишлар вазирларининг учрашуви ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидлаш жоиз, — деди элчи.

Учрашув давомида Ю.Кусумото Япония Ўзбекистон билан иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга муҳим аҳамият беришини айтиб ўтди. Шунингдек, ўзаро ахборот алмашиш афзаллигини таъкидлади. Зеро, Японияда Ўзбекистон ҳақидаги ахборотларнинг етишмаслиги яққол кўзга ташланмоқда. Шу сабабли кунчиқар мамлакатдан юртимизга келадиган инвестиция ҳамда сайёҳлар оқими ҳали етарли даражада эмас. Элчининг сўзларига қараганда, бир йилда ўрта ҳисобда 16-18 миллион японялик жаҳоннинг турли мамлакатларига саёҳатга чиқади. Шуларнинг 3-4 мингтигина Ўзбекистонга келади. Шундай экан, кунчиқар мамлакат аҳолисига Ўзбекистоннинг бой, қадимий маданий меросини яқиндан таништириш мақсадида Япония телевидениесида реклама роликларини жойлаштириш ҳамда ахборот нашрларини тарқатиш масаласини кўриб чиқиш лозим. Бу борада муайян ишлар қилинаяпти. Лекин ҳали етарли эмас.

Учрашув сўнгида Ю.Кусумото тадбир иштирокчилари ва журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Юлдуз РИЗАЕВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бошқарув ва назорат идоралари раҳбарлари иштирокида идораларо йиғилиш бўлиб ўтди. Бош прокурор ўринбосари Р.Муҳиддинов бошқарган ушбу тадбирда ноқонуний равишда электр энергияси ва табиий газ тармоқларига уланишнинг олдини олиш, шунингдек, тижорат банклари томонидан юридик шахслар ва аҳолига хизмат кўрсатишга қаратилган қонунлар ижроси бўйича олиб борилаётган ишларнинг аҳволи муҳокама қилинди.

ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ САРИ

Прокуратура органлари томонидан бошқа давлат идоралари билан ҳамкорликда табиий газ ва электр энергиясини истеъмол қилиш соҳасида қонунийликни мустаҳкамлашда жойлардаги давлат идоралари, бошқарув ва назорат органлари раҳбарларининг қонунбузилишларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишдаги масъулиятини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўраётгани таъкидланди.

Жойларда ўтказилган тадбирларда ўзбошимчалик билан ноқонуний равишда электр энергияси ва газ тармоқларига уланишга доир 12 мингдан зиёд ҳолат аниқланди. Ана шундай ўзбошимчаликлар туфайли бир миллиард сўмдан ортиқ зарар етказилган.

Бундай қонунбузилишларнинг бартараф этилишини таъминлаш мақсадида прокуратура органлари томонидан 9 мингдан зиёд прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. 124 ҳолат бўйича эса жиноят иши қўзғатилди. Шунингдек, газ ва электр энергиясини ноқонуний истеъмол қилган шахслардан бир миллиард 80 миллион сўм ундириш учун судларга 3,5 мингдан ортиқ ариза юборилди. Электр энергияси ва табиий газ истеъмолини тартибга солиш учун масъул ходимларнинг суиистеъмолчиликлари билан боғлиқ ҳолатлар бўйича 64 жиноят иши қўзғатилди.

(Давоми 2-бетда).

зорати ҳудудий инспекциялари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **57-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган манбалардан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тасарруфига давлат корхоналарини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларнинг бир қисми ҳисобидан ҳам амалга оширилади»;

учинчи ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 7 июль.
№ ЎРҚ - 39

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2006 йил

Қирқиш чизиғи

рос объектларига эга бўлган шаҳарларни батафсил режалаштириш лойиҳаларини тасдиқлайди;

умумдавлат аҳамиятига молик алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектлари учун чегаралар белгилаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, шаҳарсозлик ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш масалалари юзасидан услубий ҳужжатлар, шунингдек шаҳарсозлик тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

давлат архитектура-қурилиш назоратини амалга оширади;

белгиланган шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига, қурилиш ишлари, бинокорлик материаллари ва буюмлари сифати ҳамда технологияларининг давлат стандартларига, шунингдек шаҳарсозлик тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

шаҳарсозлик ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказади;

қурилишда стандартлаштириш ва бинокорлик материаллари ҳамда буюмларини сертификатлаш ишларини амалга оширади;

Буклаш чизиғи

давлат шаҳарсозлик кадастри юритилишини ва шаҳарсозлик фаолияти объектлари мониторинги олиб борилишини амалга оширади;

шаҳарсозлик ҳужжатлари амалга оширилиши устидан мониторинг олиб борилиши тартибини белгилайди;

шаҳарсозлик фаолияти айрим турларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда лицензиялар беради;

аҳолини шаҳарсозлик фаолиятидан мунтазам хабардор қилиб боради;

шаҳарсозлик ҳужжатлари масалалари бўйича буюртмачилар, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги келишмовчиликларни кўриб чиқади;

шаҳарсозлик фаолияти объектларини рўйхатга олади ҳамда объектлар қурилишига рухсатнома беради;

буюртмачининг техник назоратни амалга оширишга доир ишини текширади ва техник назорат сифатсиз амалга оширилган тақдирда, унга нисбатан жавобгарлик чоралари қўллаш ҳақида белгиланган тартибда таклифлар киритади;

давлат стандартлари ва техник шартлар бузилганлиги аниқланган тақдирда, бинокорлик материаллари ҳамда буюмлари ишлаб чиқа-

Истиқлол тақдиримизда

Кўпни кўрган, деҳқончиликда бой тажрибага эга инсонлар билан суҳбатлашганимизда, улар албатта қишлоқда рўй бераётган ижобий ўзгаришлардан сўз очишади. Бунда, айниқса, фермерлик ҳаракатининг муҳим ўрин тутаётганини таъкидлашади. Эътибор бўлган жойда деҳқон ерга меҳрини бериб меҳнат қилиши, мўмай даромад орттириши, мулк эгасига айланиши мумкинлиги ўз исботини топаётганини тилга олишади. Йўлларни таъмирлашга кўмак берган, қишлоқ марказига муҳташам гузар қурган, шаҳардагидан асло қолишмайдиган "супермаркет"ни ишга туширган ҳам айнан ер соҳиби эканлигидан ғурурланишади.

ҲАЗРАТИ ФЕРМЕР

Илгарилари Тошкентни бир бор кўриш орзусида юрган фалончининг фермер бўлгач, Голландия, Франция, Германия каби дунёнинг ривожланган давлатларига бориб иш ўрганиб қайтганини ҳавас билан гапиришади. Ва мана шундай дориломон кунларга етказгани учун Яратганга беадад шукроналар айтишади.

Очиғи, бир пайтлар эртаю кеч даласидан аримаган, аммо шунга яраша рўшнолик кўролмаган "колхозчи"га биров "шундай кунлар келади, ҳали сен бойиб кетасан, катта мулк эгасига айланасан" деса, уни калака қилаётган бўлиб кўриниши аниқ эди. Ахир, рўзғор дегани бир аҳволда ўтиб турган маҳал бундай орзуга берилишнинг ўзи ақлга сиғмасди-да.

Поп туманилик Ғафуржон ака Қўчқоров ҳам бир пайтлар колхозда, ширкат хўжалигида пудратчи, бригадир бўлиб ишлаган. Аммо қилган меҳнатига яраша тузукроқ ҳаловат кўрган эмас. Юртимиз мустақилликни қўлга киритгач кўпчилик қатори у ҳам эркин ишлашни дилига тугди. Фермер хўжалиги ташкил этиб, унга "Мустақил" деб ном қўйди. Ниҳоят кўксига шамол тегди. Қарангки, дастлаб 80 гектар ерга эгалик қилган фермер бугун 326 гектар майдоннинг соҳиби. Ҳар йили пахта, ғалладан баракали ҳосил олади. 250 миллион сўмдан ошиқроқ даромад қилади. Юздан зиёд ишчисининг манфаатдорлиги ҳам юқори.

Фермер бир пайтлар шахсий машинаси бўлишини орзу қилган экан. Бугун унинг ана шу истаги ҳам рўёбга чиққан. Бир эмас, иккита машинаси бор: "Дамас" ҳамда "Нексия". Техникаларим ўзига етарли. Бу йил ер эгаси фойда ҳисобидан юқори унумли "Клаас" русумидаги комбайн сотиб олмоқчи. Ана унда имкониятлари янада кенгаяди.

— Олдинлари даламизга ўғит ёки ёнилғи керак бўлса, албатта, таниш-билиш қидирардик, — дейди Ғафуржон ака. — Чунки бундай маҳсулотларни олиш осонмасди-да. Қолаверса, белгиланган нархга қўшимчаям бўларди. Берардик. Шундан кейингина ишимиз битарди. Ҳозирчи? Ҳаммаси даламизга олиб келиб берилянпти. Биздан фақат яхши ишлашу, фойда кўриш талаб қилиняпти, холос. Биров келиб ишимизга аралашмаса, топган пулимиз ҳисоб рақамимизда турган бўлса, бошқа нима керак бизга? Бундай ғамхўрликка муносиб жавоб қайтара олишимиз лозим.

"Мустақил" фермер хўжалиги яратиб берилаётган ана шундай имкониятларга муносиб жавоб сифатида ҳар йили ўн миллион сўм атрофида хайрли ишларни амалга оширар экан. Масалан, ўтган йили "Иттифоқ" маҳалласи ҳудудидаги 3 километрлик йўлни таъмирлашга, аҳолига тоза ичимлик суви етказиб берувчи бешта минорани ишга туширишга катта ёрдам берди. Яқинда иккита хонадонга соғин сигир олиб берди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Бу йил ғалланинг ўзидан 112 миллион сўмдан ошиқроқ даромад қилган "мустақил"ликларнинг кўнглига тугиб қўйган яна бир қанча ниятлари бор.

Кўпинча суҳбатдошларимиздаги ташаббускорлик, интилувчанликни кўрганда қувонамиз. Бироқ, халқимиз беш қўл баробар эмас, деганда қанчалар ҳақ эканига ҳам гоҳида амин бўламиз. Чунки фермерлик ҳаракати илк бор йўлга қўйилган йилларда бу янгиликни тан олгиси келмаган, унга шубҳа билан қараганлар ҳам бўлди. Яшириб нима қиламиз, ундайлар ҳозир ҳам йўқ эмас. Айни пайтда юртимизда шундай ер соҳиблари борки, уларнинг имконияти, шароити аввалги колхозларникидан ўн карра ошиқ бўлса ошиқки, асло кам эмас. Масалан, Андижон туманидаги "Мустақиллик", Ўзбекистон туманидаги "Умид", Денов туманидаги "Баҳриддин", Тошкент туманидаги "Тўхтаниёз ота", Пастдарғом туманидаги "Пардабобо Мирзақобилов" каби минглаб фермер хўжаликлари ўзлари ишлаётган ҳудуднинг инфратузилмасини обод қилиб юборишди.

Ўтган йилнинг октябрь ойида Тошкентда 1-Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бўлиб ўтди. Гарчи илк бор ташкиллаштирилган бўлишига қарамай, мазкур нуфузли тадбирда иштирок этиш ниятини билдириб дунёнинг 26 давлатидан 200 дан ортиқ компания ва корпорациялар раҳбарлари иштирок этишди. Шу баҳона хорижлик меҳмонлар билан танишиш, яқиндан суҳбатлашиш имконияти туғилди.

Анжуман доирасида Янгийўл туманидаги "Уфқ" фермер хўжалиги далаларида бўлдик. Оппоқ пахтазорни кўрган Вьетнам давлатининг "Damy" компанияси раҳбари Фан Тан Сон ҳайратини яширолмади:

— Жаноб Муратов ўз ишининг устаси экан, — деди у фермер хўжалиги раҳбари Владимир Муратовнинг фаолиятига баҳо бераркан. — Чин дилдан меҳнат қилгани билиниб турибди. Даласидаги ҳосилнинг сифати юқорилигини кўриб, очиғи, ҳавас қилдик. Юртингизда фермерлик ҳаракатига нега бунчалик катта эътибор берилаётганини ҳам дарров тушундик. Энди Ўзбекистондан пахта харид қилаётганимизда ҳеч иккиланмаймиз. Чунки бу ердаги шарт-шароит, ер эгаларининг иш услуби, ишлаб чиқариш технологияларининг замонавийлиги бизга маъқул келди.

Фермерларнинг рўй бераётган ўзгаришлардаги ўрни, аҳамиятини англаш учун мана шу самимий эътирофнинг ўзи етарли эмасми?

Шавкат ОРТИҚОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Оилада соғлом фарзанд туғилиши ва камолга етишини таъминлаш, оналик ва болаликни тиббий-ижтимоий ҳимоялаш, ёшларга жаҳон андозалари даражасида билим бериш Президентимиз Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидандир. Бу борадаги ишларни амалга оширишда давлат, жамоат тузилмалари, таълим муассасалари қаторида халқаро ташкилотлар билан ҳам мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилгани ўз самарасини бераётир.

СОҒЛОМ АВЛОД КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон ҳукумати ҳамда БМТнинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ ҳамкорлигида амалга оширилаётган "Оилавий таълим дастури" бунга мисол бўла олади. Пойтахтимизда мазкур дастур доирасида амалга оширилаётган ишлар ва галдаги вазифаларга бағишланган иккинчи конгресс иш бошлади. Уни Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари А.Комилов, ЮНИСЕФ дастури мувофиқлаштирувчиси А.Шилакадзе ва бошқалар мамлакатимизда соғлиқни сақлаш, таълим каби ижтимоий жабҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар манфаатини ҳар томонлама муҳофазалаш, эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилаётганини таъкидладилар. "Оилавий таълим дастури" бу борадаги мақсад-вазифаларга муштараклиги, мавжуд салоҳиятни янада ривожлантиришга қаратилгани билан эътиборлидир.

Уч йилдан буён амал қилаётган мазкур дастур доирасида юртимизнинг турли ҳудудларидаги ўндан ортиқ туманда маҳаллий ҳокимликлар, тиббиёт масканлари, умумтаълим ва мактабгача тарбия муассасалари мутахассислари иштирокида қатор семинар-машғулотлар ташкил этилди. Уларда чақалоқни парваришлаш, она сути билан озиқлантириш, аҳоли, айниқса, оналар ва болалар орасида камқонлик ва йод етишмовчилиги туфайли келиб чиқадиган хасталикларнинг олдини олиш усуллари, санитария-гигиена қоидаларига риоя этишнинг аҳамияти тўғрисида батафсил маълумотлар берилди.

2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Аҳоли тиббий саводхонлигини ошириш ва халқимиз орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадида журналистлар ҳам бундай машғулотларга жалб этилди. Фарзанд тарбиясида оила ва маҳалланинг ролини янада оширишга қаратилган бундай хайрли ишлар ташқи экспертларнинг юксак эътирофига сазовор бўлди.

Хотин-қизлар қўмиталари, соғлиқни сақлаш тизими, жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этаётган икки кунлик конгрессда "Оилавий таълим дастури"ни ҳаётга татбиқ этиш борасида эришилган ютуқлар ва мавжуд муаммолар, ташқи экспертлар томонидан ўтказилган мониторинг натижалари ва тавсиялар таҳлил этилади. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларнинг оналик ва болаликни муҳофазалашдаги ўрни, болаларни мактабга тайёрлаш бўйича ишлаб чиқилган стандартлар хусусида, бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш, ёшларни зарарли иллатлар ва юқумли касалликлардан асрашга оид мавзулардаги маърузалар тингланади.

Конгресснинг очилишида Ўзбекистон Республикаси бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

Ўзингга эҳтиёт бўл

Яқинда пойтахтимиздаги Собир Раҳимов туманида жойлашган тадбиркор А.га тегишли хусусий юмшоқ мебеллар таъмирлаш цехида ёнғин содир бўлди. Оқибатда 130 кв. метр майдон ва моллар зарар кўрди. Ачинарлиси, фожиа оқибатида икки ишчи ҳаётдан кўз юмди, яна бири жароҳатланди. Суриштирув ўтказилганида мазкур ҳодиса содир бўлишига ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилмаслиги сабаб бўлгани аниқланди.

Ёнғиндан сақланинг

Маълум бўлишича, Республика Ёнғин хавфсизлиги хизматининг туман бўлими инспектори ушбу масканда фожиа юз бермасдан олдин ёнғин хавфсизлиги ҳолатини ўрганиш жараёнида бу ерда аланга чиқса қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида цех масъулларини огоҳлантирган эди. Шу билан бирга, инспектор аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар бериб, цехдаги ишчи хизматчилар билан суҳбат ва йўриқномалар ўтказганди.

Дарҳақиқат, Республика Ёнғин хавфсизлиги хизмати халқ хўжалигининг барча тармоқларида, ишлаб чиқариш, савдо-саноат тизими ва барча ўқув муассасаларида ёнғиннинг олдини олиш, унга олиб келувчи ҳолатларга йўл қўймасликни ўз фаолиятининг асосий мезони сифатида белгилади. Хизмат вакиллари айниқса, тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий манфаатларини кўзлайдиган иш дастурини бажаришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Масалан, ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси давлатимиз раҳбарининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган фармон ва қарорларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан фаол меҳнат қилмоқда.

Бундан ташқари, Бош бошқарма, Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ бўлими, барча туман ИИБ ЁХБ ва Транспорт ИИБ ЁХБ бошлиқлари билан халқаро молия корпорацияси ходимлари иштирокида ўтказилган семинар ва бошқа тадбирлар ҳам ўз самарасини бераяпти.

Бугунги кунда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходими учун асосий вазифалардан яна бири — хўжалик юритувчи субъектлар ишига асоссиз аралашишнинг олдини олиш билан бирга, тадбиркорлик субъектларига ёнғин хавфсизлигини таъминлаш юзасидан амалий ёрдамлар кўрсатишдир.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходими текшириш жараёнида тадбиркорга ҳалақит бериш эмас, балки мунтазам профилактик тушунтириш ишларини олиб бориш орқали камчиликларни бартараф этишга эришиши керак. Бироқ, баъзи тадбиркорлар камчиликлар ҳақида огоҳлантирилганига қарамай ёнғиннинг олдини олиш чораларини кўрмаслик ва ҳукуматимиз томонидан уларни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинаётган ҳужжатларнинг асл моҳиятини тўлиқ англамаслик натижасида бундай муҳим тадбирга масъулиятсизлик билан ёндошиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Масалан, Ўтган йилнинг ёзида Жиззах вилоятидаги "Ўзбекистон" меҳмонхонаси ва Тошкент шаҳридаги "Отель Саёҳат" ОТАЖда аниқланган ёнғин хавфсизлиги бўйича нуқсонлар бажарилмай келинаётганини қандай изоҳлаш мумкин? Бу ҳолат кимга фойдаю, кимга зиён. Ҳушёрлик одамни ғафлатда қолдирмайди. Ахир, халқимизда «Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма», деган гап бор.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармасида республика ҳудудида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш ва тамагирликка йўл қўймаслик мақсадида **134-55-93** ва **134-58-36** ишонч телефонлари жорий этилди. Фуқаролар ушбу телефон рақамлари орқали ўзини қизиқтирган, ёнғин хавфсизлиги хизмати тизимига тааллуқли масалалар бўйича мурожаат қилишлари мумкин.

Тадбиркорлик субъектларида ёнғиннинг олдини олиш, уни келтириб чиқарувчи ҳолатларга йўл қўймаслик аҳамиятлидир. Аслида тадбиркорларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ундан-да муҳим. Шу туфайли тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар талабларини тўлиқ бажариш Ёнғин хавфсизлиги тизими ходимларининг ҳам асосий вазифалари бўлиб қолаверади.

Ниғматилла ШОДМОНҲОЖИЕВ,
ЎзР ИИВ ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, полковник.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Германиянинг «Фриенденздорф Интернейшнл» халқаро ташкилоти ва соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Даволаниш учун Германияга

Ўтган қисқа давр мобайнида республикамиздан Германия клиникаларига юборилган 64 нафар бемор даволаниб, юртимизга қайтдилар. Бугунги кунда 8 нафар бемор болалар Германияда даволанишни давом эттиришмоқда.

«Фриенденздорф Интернейшнл» халқаро ташкилоти болаларни нафақат Германияда, балки Ўзбекистонда даволашда ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Ушбу ташкилот 2003 йилдан буён ўз грант маблағлари ҳисобига болаларни «Юқори лаб ва танглайнинг туғма нуқсонлари» бўйича Ўзбекистонда операция қилмоқда. 2006 йил 6 ой давомида Тошкент Тиббиёт Академияси, «Алишер тиббиёт» клиникаси ва вилоятлардаги бир қатор клиникалар билан биргаликда 100 нафар бемор болалар операция қилинди ва бу жараён бугунги кунда давом эттирилмоқда.

Жорий йилнинг август ойида навбатдаги бемор болалар Германия клиникаларида даволаш мақсадида танлаб олинади. Шу мақсадда 26 июндан 2 июлга қадар республикамизнинг Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах, Бухоро, Навоий, Сирдарё ва Тошкент шаҳарларида яшовчи бемор болалар тиббий кўрикдан ўтказилди.

ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ САРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Йиғилишда вилоятлар ҳокимлари раҳбарлик қилаётган ҳудудий ишчи гуруҳлари фаолиятига танқидий баҳо берилди. Улар томонидан табиий газнинг мақсадли сарфланиши устидан мониторинг изчил ўтказиш ҳамда газ тармоқларига ноқонуний уланиш ҳолларини ўз вақтида аниқлаш борасидаги ишлар талаблар даражасида бажарилмаётгани қайд этилди.

Табиий газ ва электр энергияси таъминоти корхоналари, улгуржи истеъмолчилар ва фуқаролар ўртасида профилактика ва тушунтириш ишларини жадаллаштириш, бундай тадбирларга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда уй-жой мулкдорлари ширкатларини жалб қилиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 5 августдаги «Банклардаги депозит ҳисоб-варақларидан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги қарори талабларининг бажарилиши бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам таҳлил қилинди. Барча ҳудудларда банк хизматчилари ва мижозлар ўртасида зарур тушунтириш ишлари ўтказилмоқда. Жойларда «ишонч телефони» тизими йўлга қўйилган. Банкларда ушбу масалада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, мижозларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари поймол этилган ҳолларда шикоят қилиш тартиби акс эттирилган ахборот стендлари ўрнатилган.

Шу билан бирга, кўрилаётган қатъий чораларга қарамай, жойларда бу борада муайян камчиликларга йўл қўйилмоқда. Айрим ҳудудлардаги тижорат банклари фаолиятида иш ҳақи, нафақа, моддий ёрдам ва бошқа тўловларни ўз вақтида бермаслик, омонатчиларнинг қонуний талаблари ва эҳтиёжларига бюрократлик ва бефарқлик муносабатида бўлиш ҳоллари мавжуд. Хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларнинг депозит ҳисоб-варақларидан нақд пул маблағларини тўлашга доир тартибнинг бузилишига йўл қўйган тижорат банкларининг 13 нафар раҳбари эгаллаб турган лавозимидан озод этилгани, 39 нафар банк ходими интизомий жавобгарликка тортилгани қайд этилди.

Йиғилишда бу борадаги камчиликларни бартараф этиш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Беҳзод НОРБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Қаршида кардиология маркази

Қарши шаҳрида ихтисослашган кардиология маркази ишга тушди. 110 ўринли бу шифо масканида беморларни даволаш билан бирга юрак-қон-томир касалликлари бўйича илмий тадқиқотлар ҳам олиб борилади.

Кардиология маркази жойлашган бинолар мажмуи илгари вилоят юрак-қон-томир касалликлари диспансерига қарашли эди. Уни реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун 770 миллион сўм маблағ сарфланди. 120 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар, 97,8 миллион сўмлик жиҳозлар сотиб олинди. Барча маблағ бош ҳомий — «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг вилоят ҳудудида жойлашган корхоналари ҳисобидан ажратилди. «Шўртангазкимё» мажмуаси, «Муборакнефтгаз», «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхоналарининг ҳиссаси, айниқса, катта бўлди.

Марказда ўрнатилган замонавий тиббий ускуналар беморларга аниқ ташхис қўйиш ва даволаш учун катта имконият яратади.

Бу шифо маскани Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйи олдидан вилоят аҳлига ажойиб совға бўлди.

Б.НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Буклаш чизиғи

рилиши, реализация қилиниши ва қўлланилишини, норматив талаблар ҳамда тасдиқланган лойиҳа ечимлари чидамлилик, пухталик хусусиятлари пасайишига сабаб бўлган даражада бузилганда, шунингдек бинолар ва иншоотларнинг авария хавфи бўлган, объектлар ўзбошимчалик билан қурилган тақдирда қурилиш-монтаж ишларини давом эттиришни тўхтатиб туради;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жарималар солади;

тугалланган қурилиш объектларини фойдаланишга қабул қилиб олиш бўйича комиссияларнинг ишида иштирок этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тизимига қуйидагилар киради:

Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси;

вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари;

туманлар ҳамда шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармалари (бўлимлари);

Буклаш чизиғи

«21-модда. Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолини жойлаштириш бош тарҳи ишлаб чиқилишини, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар (вилоятлар гуруҳлари) ҳудудини режалаштириш тарҳлари ва умумдавлат аҳамиятига молик алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилиши, шунингдек шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари ташкил этилишини таъминлайди;

тасдиқланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатига берилган шаҳарларнинг бош режаларини истисно қилганда, шаҳарларнинг, шаҳар посёлкаларининг бош режаларини ҳамда Тошкент шаҳрининг марказий қисмларини, вилоятларнинг маъмурий марказларини, шунингдек маданий ме-

Қирқиш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 22 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 9 июнда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган 353-II-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 63-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **21-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Буклаш чизиғи

давлат экспертизаси ҳудудий бошқармалари;

давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари.

Вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларига, туманлар ҳамда шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармаларига (бўлимларига) тегишли бош архитекторлар бошчилик қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари, шунингдек туманлар ҳамда шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармалари (бўлимлари) ўз ваколатларига тааллуқли масалаларда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига, тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига бўйсунадилар";

2) **24** ва **25-моддалар** чиқариб ташлансин;

3) **54-моддадаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг давлат архитектура - қурилиш назорати органлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, унинг давлат архитектура - қурилиш на-

Мураббий ҳақми ёки ўйинчи

чиройли ўйин талаб қилаётган мухлис ҳақ

— Ҳақиқий мухлисга, айниқса, футбол ишқибозига қийин, — деб қолди Самарқанддаги «Динамо» стадионидан қайтаётган футбол мухлисларидан бири. — Яхши биламан, бу тоифадагиларнинг аксари севимли жамоаси ўйинини стадионда кузатишни, уни қўллаб-қувватлашни хоҳлайди. Ўзим ҳам шундайлардан бириман. Ҳар гал футбол томоша қилиш мақсадида қанчадан-қанча юмушларимни ташлаб, шаҳарга келаман. Аммо «Самарқанд-Динамо» ўйинларидан асло кўнглим тўлмайди.

— Мен жамоага жуда ачинаман, — давом этди иккинчи мухлис. — Йил сайин поғонама-поғона пастга тушиб бораяпти. 90 минут давомида юрак ҳовучлаб ўтирамиз, аммо дурустроқ ўйин кўролмаймиз. Кейинги пайтларда ишқибозлар ҳам сийраклашиб қолди. Агар аҳвол шу тарзда давом этаверса, стадион ҳувиллаб қолса керак...

«Самарқанд-Динамо»нинг миллий чемпионат ўйинларида суст иштирок этаётганлиги сабабли мухлисларнинг бундай эътирози тез-тез қулоққа чалинадиган бўлиб қолди.

Мағлубиятлар сабабини кўпчилик жамоа раҳбарларининг нўноқлигидан ахтарса, айримлар мураббийларнинг тез-тез алмаштирилишида деб билади, яна бошқаси маҳаллий ёшларга эътибор йўқлигидан излайди.

Хуллас, уларнинг фикрлари хилма-хил, аммо мақсадлари бир — қадрдон жамоаларининг ўйинида ижобий ўзгаришни кўриш.

Маълумки, яқинда мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Табиийки, бу муҳим ҳужжат Самарқанд футболининг ҳам ривожи учун хизмат қилиши табиий. Аммо барча гап ' мазкур қарор ижросининг қай даражада таъминланишига боғлиқ. Яна бошқа жиҳати фақатгина моддий манфаатдорликнинг ошишию, шарт-шароитларнинг яхшиланиши билангина футболда кўнгилдагидек натижага эришиб бўлмайди.

Бундай дейишимизнинг боиси, «Самарқанд-Динамо» учун яратилган имкониятлардан ҳозир ҳам кўнгил тўлади. Жамоа бошлиғи Владимир Аракелов билан футболчиларнинг дам олиш масканини кўздан кечирдик. Ётоқхонадаги барча хоналар бир-икки кишига мўлжалланган. Дам олиш, бўш вақтни мароқли ўтказиш, овқатланиш борасида ҳеч қандай муаммо йўқ.

Ўз-ўзидан савол туғилади? Шундай экан, нега самарқандлик футболчилар мамлакат биринчилигида ўзларини кўрсатишолмаяпти? Бунинг сабабларини эҳтимол мураббийлар ва футболчилар ўртасидаги муносабатлар қай даражадалигидан излаш керакдир?

Мухлислар яхши эслашади. Бир пайтлар Самарқандининг «Динамо» стадионига футбол ишқибозлари сиғмай кетарди. Жамоа ўзининг мазмунли ўйинлари билан ҳатто ман-ман деган жамоаларни ҳам доғда қолдирганди.

Аммо у пайтда стадион ниҳоятда ночор аҳволда эди. Бугун эса ҳаммаси кўнгилдагидек. Жаҳон андозалари асосида бунёд этилган мазкур стадион ўз бағрига 20 мингдан ортиқ томошабинни сиғдира олади. Кўриниб турибдики, футболчиларнинг яхши ўйин кўрсатишлари учун ҳамма имкониятлар яратилган.

Лекин кейинги пайтларда футбол мухлислари стадионга аввалгидек талпинмайди. Сабаби, мазмунли ўйиннинг йўқлиги.

— «Самарқанд — Динамо»ни синов ўтказиладиган майдонга ўхшатаман, — дейди нуроботлик футбол мухлиси Оламхон Қодиров. — Жамоа таркиби жуда тез ўзгаради, мураббийлар ҳам. Наҳотки, маҳаллий ёшларни жалб этишнинг имкони бўлмаса?

Ҳақиқатда ҳам шундай. Жамоада бир мавсумда ўйнаган ўйинчиларнинг аксарини кейинги мавсумда учратмайсиз. Бош мураббий, баъзан бир йилда икки марта алмаштирилади. Хуллас, жамоанинг муқим таркиби, фидойи раҳбари йўқ.

Мана, мамлакат чемпионатининг биринчи давра ўйинлари якунланди. «Самарқанд-Динамо» ўтказилган 15 та учрашувнинг бор йўғи бештасида ғалаба қозонди. Мағлубиятлар 8 та. Вакилларимиз шунча ўйинда рақиблари дарвозасига атиги 14 та тўп киритиб, ўз дарвозасидан 20 та тўп ўтказиб юборган. Турнир жадвалида эгалланган жой ҳам ана шу «хизмат»га яраша — 12-ўрин.

Самарқанддек қадимий шаҳарнинг олий лигадаги яккаю ягона вакилининг бундай ночор аҳволини қандай изоҳлаш мумкин? Вилоят ва шаҳар футбол мутасаддилари бу борада узоққа бормай қўшни қашқадарёликлардан ибрат олишса дуруст бўларди. Негаки, мазкур вилоятнинг олий лигада бир эмас, уч жамоаси тўп суради. Самарқанднинг эса биринчи лигада қатнашадиган биргина вакили бор. Ҳатто футбол бўйича вилоят биринчилиги уч-тўрт йил ўтказилмай қолди.

Хуллас, Самарқанд футболида муаммолар кўп. Тўғри, буларнинг ҳаммаси бугун пайдо бўлган эмас. Узоқ йиллардаги эътиборсизлик, ҳатто жамоанинг бир неча бор кучлилар сафидан чиқиб кетиши ҳам мутасаддиларни ташвишлантирмаганга ўхшайди. Бизнингча бундай масъулиятсизликларга чек қўйиш пайти келди.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳудуд танламайдиган офат

унга қарши соғлом кучлар бирлашиши керак

Ўтган ой бошида Россиянинг тўрт нафар дипломати Бағдод шаҳрида террорчилар томонидан гаровга олинганди. Жангарилар билан ўтказилган бир неча кунлик музокаралар бирор натижа бермагандан сўнг, дипломатлар қатл этилгани ҳақидаги хабар тарқалди. Вақоланки, Ироққа АҚШ бошчилигидаги халқаро коалиция кучлари кирганда биринчи бўлиб Россия қарши чиққанди. Бугунги кунга келиб, Ироқда айнан россияликлар террорчилик нишонига айланишди.

Яна бир воқеа. Куни кеча Афғонистон пойтахти Кобул шаҳрида ҳарбийлар ва давлат хизматчиларини олиб кетаётган иккита автобус портлатиб юборилди. Натижада бир киши ҳалок бўлди, 40 нафардан ортиқ киши жароҳатланди.

Одамни сескантирувчи бундай хабарларни матбуотда деярли ҳар куни ўқиймиз. Бундан бир ҳақиқатни англаш мумкин: жаҳоннинг гоҳ у, гоҳ бу нуқтасида бўй кўрсатаётган терроризм ҳудуд танламаслигини, бу хавфдан ҳеч ким холи эмаслигини қайта-қайта исботламоқда.

Огоҳлик

Ҳар гал терроризм ҳақида гап кетганда, 2001 йил 11 сентябрь воқеалари ёдга олинади. Ўшандан сўнггина халқаро ҳамжамият бу иллат ҳамма учун бирдай хавфли эканлигини англаб етди. Айтиш керакки, ўша машъум воқеадан сўнг мазкур глобал хатарга қарши кураш янги суръат касб этди. Террорчилик билан шуғулланаётган ташкилотлар рўйхати тузилди. Уларнинг фаолиятини молиялаштирувчи манбаларни излаб топишга ҳамда банк ҳисоб-рақамларини музлатишга киришилди. Террорни қораловчи баёнотлар эълон қилинди. Давлатлар ўртасида турли ҳужжатлар имзоланди. Аммо амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга қарамасдан, терроризм чекинмаяпти. Хўш, бунинг сабаби нима?

Куни кеча Россия Президенти Владимир Путин Европа давлатлари бош прокурорлари билан учрашувда худди шу саволни ўртага ташлади ва бундан анча олдин мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов айтган фикрни маъқуллади. Терроризм масаласида айрим давлатларнинг икки хил стандартлар асосида сиёсат юритиши барча саъй-ҳаракатларнинг самарасига салбий таъсир кўрсатмоқда, деди В. Путин. Бир давлатда теракт амалга оширган жангарилар бошқа давлатда қаҳрамон сифатида қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон терроризмдан бир неча бор азият чеккан, унинг бутунлай йўқ бўлиб кетишидан мафаатдор мамлакат сифатида антитеррор ташкилотларнинг энг фаол аъзоларидан бири бўлиб қолмоқда. Мамлакатимиз халқаро терроризмга қарши кураш борасида анча тажриба орттирди. Республика миқёсида амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар, Президентимиз томонидан бу борадаги кўплаб долзарб муаммоларнинг халқаро миқёсда кўтариб чиқилиши (хусусан, БМТ Бош ассамблеясида Афғонистон муаммосининг илк бор тўлиқ очиб берилиши, МДҲ ҳудудидаги барча террористик ташкилотларнинг рўйхатини тузиш ва уларга қарши тизимли равишда чоралар кўриш ва бошқа қатор ташаббуслар) боис Ўзбекистон терроррга қарши қатъий ва аёвсиз кураш олиб бораётган мамлакат сифатида доимо эътироф этилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирга келиб терроризм Ер сайёрасининг исталган нуқтасида пайдо бўлиши ва фаолият кўрсата олиши инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатга айланди. Бу қадар катта миқёс ва хавф касб этаётган иллатни фақат соғлом кучларни бирлаштириб, икки хил стандартлардан воз кечиб енгиш мумкин.

Саҳобиддин ХЎЖАНОВ.
Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

Савдо ва тижоратга кўмаклашувчи «Савдогар» акциядорлик тижорат банки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 18 мартдаги «Савдо ва тижоратга кўмаклашувчи «Савдогар» акционерлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 16 апрелдаги «Савдо ва тижоратга кўмаклашувчи «Савдогар» акционерлик тижорат банкининг фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитлар яратиб беришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан ташкил этилган.

Президентимизнинг 2006 йил 22 июндаги Фармонига асосан эса, у Ўзбекистон — Германия «Савдогар» акциядорлик тижорат банкига айлантирилди. Яъни Германиянинг «R&D Express-Aussenhandels GMBH» компанияси томонидан 2 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилди.

SAVDOGAR BANK

«САВДОГАРБАНК»:

МИЖОЗЛАРНИНГ ЯҚИН ҲАМКОРИ

Маълумки, жойларда банк хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, миллий валютани конвертациялашни амалга оширишни кўзда тутувчи чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мулкчиликнинг турли шакллари ривожини тезлаштирди. «Савдогар» акциядорлик тижорат банки ана шу жараёнда фаол иштирок этиб, ўз маблағларини иқтисодиётнинг реал соҳалари ва базавий тармоқларини ривожлантиришга йўналтириш, инвестиция сиёсатини фаоллаштириш, кредитор ва инвесторлар ҳуқуқларини таъминлаш, банк хизматлари бозорини янги хизмат турлари билан бойитиш каби бир қатор стратегик йўналишларда банк-молия хизматининг таянчига айланди.

Ҳозирги кунда «Савдогарбанк» ўз капиталини кўпайтириш, ликвидлигини таъминлаш, активлар сифатини яхшилаш ҳисобига молиявий барқарорликни ошириш, янги хизмат турларини жорий қилиш, мини банклар очиш орқали мижозлар сонини кўпайтириш ва уларнинг яқин ҳамкорига айланишга қаратилган кўплаб тадбирларни амалга оширмоқда. Ушбу жараёнларда ўзаро манфаатли тамойилларга таянган ҳолда у асосий эътиборни мижозлар эҳтиёжини тўлароқ қондиришга қаратяпти, улар билан ҳамкорлик қилиш сиёсатига жиддий ўзгартиришлар киритмоқда. Бу эса банкнинг хизматлар бозоридаги мавқеини анча мустаҳкамлаш имкониятини яратмоқда.

Айни пайтда «Савдогарбанк»нинг 33 та филиали, 57 мини банки ҳамда 53 та жамғарма шохобчасида 1300 га яқин мутахассис самарали меҳнат қилмоқда. Улар томонидан 25000 дан ортиқ мижозга сифатли хизматлар кўрсатилмоқда.

Банк ўз навбатида мини банклари тармоғини ҳам кенгайтириб бораяпти. Уларда илғор электрон технологиялар қўлланилган ҳолда, хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Банк ходимлари мижозларга ишлаб чиқариш-молия масалаларида, жумладан, бизнес лойиҳаларини тайёрлаш ва такомилига етказишда ёрдам бермоқдалар. Буларнинг ҳаммаси, бир томондан, банк ва фермерлар, қайта ишловчи корхоналар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини кенгайтирмоқда, иккинчи томондан, мижозларда банкнинг янги хизмат турларига бўлган қизиқишини шакллантирмоқда.

Айниқса, банкнинг корпоратив мижозлар билан яқиндан иш олиб бориши туфайли унинг активлари 68,6 млрд. сўмга етди. Ҳозирда бу активларнинг асосий қисмини, яъни 70 фоизини даромад келтирувчи активлар ташкил этади.

Банк томонидан ўз маблағларини кўпайтириш йўлида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида эса банк капитали 8,2 млрд. сўмга, устав капитали 6 млрд. сўмга етди.

Банк маблағларининг асосий манбаи — бу юридик, айниқса, жисмоний шахслардан жалб қилинган маблағлардир. Шу боис мазкур йўналишда банк томонидан жалб этиладиган маблағларнинг даромадлилигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб, Президентимизнинг 2000 йил 21 мартдаги «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида аҳолига қулай ва манфаатли бўлган 5 дан ортиқ омонат тури амалиётга киритилди. Банкдан ташқари нақд пул айланмасини қисқартириш мақсадида даромадлилик даражаси ва омонатчиларнинг эҳтиёжларига мос бўлган «Эгасини номи кўрсатилмаган» ва «Автожамғарма» омонатлари жорий этилди. Бу омонатларга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилмоқда. Натижада банкдаги омонатлар қолдиғи, жорий йил 1 июль ҳолатига кўра 10 млрд. сўмга етгани ҳолда, уларнинг таркибидаги муддатли омонатлар ҳажми қарийб 80 фоизни ташкил қилди.

Бугунги кунда банкда 70000 дан ортиқ омонатчига самарали хизмат кўрсатилмоқда. Бу натижага электрон хизматлар доирасининг кенгайиши, омонатлар шартларининг мақбуллаштирилиши ва хизматлар сифатининг яхшиланиши орқали эришилди, албатта.

«Савдогарбанк» ва Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди ўртасида шартнома тузилган бўлиб, унга мувофиқ, «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган барча омонатлар кафолатланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 511-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида 40 дан ортиқ жамғарма кассаси ишга туширилди. Барча турдаги коммунал тўловлар, солиқлар, давлат божи ва бошқа тўловларни қабул қилиш бўйича тегишли идоралар билан шартномалар имзоланди. Пировардида республикамизнинг турли бурчакларида фаолият кўрсатаётган 55 та жамғарма кассаси орқали нафақат омонатлар, балки аҳоли учун қулай бўлган барча турдаги коммунал, солиқ ва бошқа тўловлар қабул қилинмоқда.

Республикамиз иқтисодиёти ривожланган сайин унинг реал секторига молиявий ресурсларни жалб этишда банк кредитларига бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда. 2006 йил 1 июль ҳолатига кўра, банкнинг жами кредит қўйилмалари 39,5 млрд. сўмни ташкил этди. Банкнинг ана шу кредит қўйилмалари ҳисобига қўшма корхоналар, кичик бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлар, акциядорлик жамиятлари, ширкат хўжаликлари ва бошқа ташкилотлар фаолияти молиялаштирилмоқда.

Банк ўзининг кредит сиёсатига мувофиқ, қисқа муддатли кредитлашдан кўра ўрта ва узоқ муддатли кредитлашга кўпроқ эътибор бермоқда. Шу билан бирга, ҳукуматимизнинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига биноан, талаба ва ўқувчиларга бевосита молиявий кўмак бериш, ўқув юртларида таҳсил олаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 182 нафарга яқин талабага 123 млн. сўмлик узоқ муддатли кредитлар ажратилди.

Банк нафақат корпоратив ва йирик мижозлар, балки кичик бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари билан ҳам доимий ҳамкорликни мустаҳкамлаб келмоқда.

2006 йил давомида банк томонидан жами 4238 млн. сўм маблағ кредит тариқасида кичик бизнес субъектларига ажратилди. Қиймати 3943 млн. сўмлик лойиҳалар банкнинг ўз ресурслари ҳисобидан молиялаштирилди. Пировардида 187 та янги иш ўрни ташкил этилиб, улар томонидан 485,1 млн. сўмлик турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

«Савдогарбанк» ҳукумат дастури асосида амалга оширилаётган иқтисодиётнинг хусусий секторини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашда тижорат банклари ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, банкда Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси ташкил этилиб, унинг 295 млн. сўм миқдоридаги маблағи ҳисобига тадбиркорларнинг асосли лойиҳалари молиялаштирилди.

Айниқса, тармоқнинг асосий таянчига айланган фермерлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш – банкнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Сабаби, Ўзбекистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги етакчи ўринга эга бўлиб, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг учдан бир қисми унинг улушига тенг келади, аҳолининг асосий қисми ҳам қишлоқларда яшайди. Қолаверса, аграр соҳанинг ривожланиш истиқболлари ва имкониятлари юксак, демакки, банк бу соҳада мустаҳкам ўринни эгаллашга ҳаракат қилмоқда. Бундан ташқари, мамлакатимиз раҳбарининг «2004-2006 йилларда Фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифалар банкни бу жараёнда фаол иштирок этишга ундамоқда. 2006 йил давомида соҳа тайёрловчиларига Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳисоб-китоб қилиш жамғармаси кредит линияси ҳисобидан 15163 млн. сўм кредит маблағлари имтиёзли асосда ажратилди. Унинг 9614 млн. сўми пахта ҳосили учун ва 5549 млн. сўми эса ғалла ҳосилини етиштириш учун берилди.

Республикамизда валюта бозорининг эркинлаштирилиши, жорий операциялар бўйича миллий валюта конвертациясининг таъминланганлиги халқаро тўловлар, валюта амалиётлари ҳажмини ошишига олиб келди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, банк томонидан жойларда 74 та валюта айирбошлаш шохобчаси очилди.

«Савдогарбанк» 2006 йил июнь ойидан, шунингдек, «S.W.I.F.T.» халқаро электрон тўлов тизими аъзоси ҳисобланади.

«Савдогарбанк»да аҳолига янги турдаги банк хизмати — ҳисоб рақами очмай туриб, пул жўнатиш ёки қабул қилиш амалиётини рўёбга чиқариш имконини яратиш мақсадида «Анелик» пул ўтказиш тизимидан ҳам фойдаланилмоқда. 2006 йил февраль ойидан «Интер-Экспресс», июнь ойидан «Вестерн Юнион», «Мигом» пул ўтказиш тизимлари ҳам ишга туширилди. Ҳозирда республикамизнинг турли ҳудудларида жойлашган барча бўлимларда ушбу тизимлар муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган даврда чет эл валюталарида ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва ресурсларни жалб қилиш мақсадида Австриянинг «Райфайзен» банки ва Россиянинг «Евротраст» банки билан ҳам вакиллик алоқалари йўлга қўйилди.

Банк тизимининг узлуксиз ишлаши, табиийки, техникавий базани такомиллаштиришни ва юксак малакали ходимларга эга бўлишни талаб этади. Замонавий технологияларнинг жорий этилиши ҳамда доимий ривожлантириб борилиши эса, мижозларга аниқ вақт режимида хизматлардан фойдаланиш, шу орқали барча зарур операцияларни тез ва ишончли амалга ошириш имконини беради.

«Савдогарбанк»да ягона баланс тизимида ишловчи «Интеграллашган автоматлаштириш банк тизими» дастурлар мажмуаси ҳам яратилиб, банкнинг барча вилоят бўлимларига ўрнатилди. Ушбу тизим ҳозирги кунда муваффақиятли ишламоқда.

Тез орада «Бошқарув учун ахборот тизими» дастурлар мажмуаси ҳам ишга туширилиши мўлжалланмоқда. Бу дастурлар мажмуаси банк таваккалчилигини ўз вақтида ва янада самарали бошқариш ҳамда унинг ишончлилигини ошириш имкониятини яратади.

Банк томонидан пул муомаласини барқарорлаштириш ва миллий валютамиз қадрини мустаҳкамлаш бўйича ишлар ҳам узлуксиз олиб борилмоқда. Республика Президентининг «Банклардаги депозит ҳисобваракларидан нақд пул тўловларининг тўхтовсиз таъминланиши кафолатлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, банкнинг барча бўлимларида қўшимча тарзда нақд пул маблағлари захираси ташкил этилди. Бу мижозларнинг нақд пулга бўлган эҳтиёжларини ўз вақтида таъминлаш имконини яратмоқда. Нақд пул маблағлари билан таъминлаш масалаларига тезкор жавоб бериш ва салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида эса «Ишонч телефонлари» ишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида эса «Савдогарбанк» томонидан 50000 дона пластик карточка муомалага чиқарилиб, 600 дона терминал савдо ва хизмат кўрсатиш субъектларига ўрнатилди.

Мижозларга кўрсатиладиган хизматлар турини кенгайтириш мақсадида банк эндиликда миллий валютада корпоратив пластик карточкаларни ҳам чиқара бошлади. Ушбу карточка тури юридик шахсларга кунлик тўловларни амалга ошириш, шу жумладан, канцелярия, хўжалик моллари, автомобиллар учун ёнилғи-мойлаш материаллари, телерадио аппаратуралари, шунингдек, хизмат сафарлари ва бошқа харажатлар учун тўловларни амалга ошириш имконини беради.

Банк тизимининг ривожланиши юқори малакали базавий маълумотга эга мутахассисларга боғлиқлиги аён. Шу боис юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида кадрлар сиёсати ўта долзарб масалалардан бирига айланиб бормоқда. Мазкур вазифаларни ҳал этишнинг шартларидан бири — бу янги банк тизими талабларига жавоб бера оладиган малакали мутахассисларни танлаш ва тайёрлашдан иборатдир.

Банк бошқаруви томонидан эса кадрларнинг сифат таркибини яхшилаш, ходимлар билан ишлашда ташкилотчилик ишларини такомиллаштириш, ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, касб-иқтисодий ўқувларини ташкил этиш, шогирд ва устоз ҳаракатларини ривожлантириш, жамоа ўртасида маънавий-маърифий ишларни кенгайтиришга алоҳида эътибор бериляпти. Жумладан, бугунги кунда 136 нафар ходим ишдан ажралмаган ҳолда республикамиздаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олмоқда. Айни чоғда 2006 йил учун билимдон, дунёқараши кенг, ташаббускор, ҳалол ва иқтидорли, маданиятли, ташкилотчилик қобилияти билан ажралиб турган ёшлар захираси яратилган бўлиб, Минтақавий банк ўқув маркази билан тузилган шартномага асосан, улар бу ерда ўз малакаларини оширмоқдалар.

Бундан буён ҳам «Савдогарбанк» республикамизнинг барча молиявий муассасалари қатори мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшаверади, у бу йўналишдаги фаолиятини изчил давом эттираверади.

Қаҳрамон ҲУСАНОВ,
пул муомаласи, касса амалиётлари ва қимматли қоғозлар бошқармаси бошлиғи.

Ёз – ўтмоқда соз

Оролбўйи болалари пойтахт вилояти оромгоҳларида

Яқинда "Ўзэлектроаппарат" ОАЖнинг "Зафар", "Оникс" ОАЖнинг "Нурафшон", "4-қурилиш трести"нинг "Қуёшли", "В.П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" ДАКнинг "Гулистон", "Тошкент шаҳар маиший хизматга кўмак" МЧЖнинг "Меҳржон" сингари соғломлаштириш оромгоҳларида 540 нафар қорақалпоғистонлик болалар дам олиб қайтишди. Улар ҳордиқ олиш даврида турли мусобақаларда иштирок этишди. Бундан ташқари, оромгоҳларда ташкил этилган тўгаракларда фаол иштирок этдилар.

— Бу йилги дам олиш менга жуда ёқди, — дейди қувончларини яширмай Беруний туманидаги 7-мактаб ўқувчиси Нурилла Одилбеков. — Ҳамма нарса муҳайё. Спорт билан мунтзам шуғулланиб, анча чиниқдик. Устига-устак, оромгоҳимиз анча баҳаво жойда экан. Келаси йил ҳам шу ерга келаман.

Оромгоҳларда яна 1420 нафар Оролбўйи болаларининг дам олиши кўзда тутилган бўлиб, уларнинг барчаси бепул ҳордиқ чиқаради.

Қобил ХИДИРОВ.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ҳайъати соҳа фахрийси Ғулом Жаҳонгировга турмуш ўртоғи
ШОҲИДА аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи жамоаси Республикада хизмат кўрсатган транспорт ходими, устоз Ғуломназир Жаҳонгировга рафиқаси
ШОҲИДАХОН аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Кафолат» Давлат-акциядорлик суғурта компанияси жамоаси компаниянинг Жиззах вилоят филиали бош бухгалтери Турдикул Бегбўтаевга онаси
Қўйсин ая БЕГБЎТАЕВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЭХТИРОМ

Ёзувчи дўстларим хафа бўлмасину, мен биронта ёзувчининг ҳамма китобини тўла ўқиган эмасман. Албатта ҳамма ҳам танлаб ўқийди. Бунинг айби йўқ.

Бироқ Миртемир ака билан Одил ака нима ёзган бўлса, барини қўймай ўқиганман. Бу лоф эмас, бор ҳақиқат. Биз талабалик давримизда Одил ака танилиб қолган ёзувчи эди. Газетада у кишининг болаларга бағишланган қиссаси эълон қилинди. Кейин, ўша машҳур «Муқаддас» пайдо бўлди. Бу қисса адабиётимизда ўз вақтида анча шов-шув бўлганди. Унда мусаффо бир севги тарихи ўта нозик, шоирона ва ғоят ҳаяжон билан ёзилган эди. Қисса қайта-қайта нашр этилди. Мен кўпгина ёшларнинг ётоқхонасида «Муқаддас»нинг ўқилаверириб, титилиб кетган муқовасини кўриб, ич-ичимдан севинганман.

БИЗ ҲАВАС ҚИЛГАНДИК

Энди асосий масалага қайтай. Нега мен Одил аканинг жами китобларини, мақолаларини ўқиб чиққанман, дедим? Аввало, у киши менинг ҳамқишлоғим бўлади. Иккаламиз Туркистоннинг қадим Қарноқ қишлоғиданмиз. Қишлоғимизнинг ўртасидан сой ўтади. Одил аканинг уйи сойнинг у бетида, бизники бу бетида. Ўқувчилик пайтимизда биз «Одил Ёқубов деган ёзувчи чиқибди, қишлоқ кутубхоналаридаги китобларнинг барини қўймай ўқиб бўлибди», деб эшитардик. Қотмадан келган, қорача бу йигитни ҳар сафар кўрганда унга ҳавас билан, ажабланиб боқардик.

Яна бир нарсани таъкидлаб ўтишни истардим. Одил ака «Ёш ёзувчи» деган таърифни кўтариб юрмади. Устоз Абдулла Қаҳҳор таъбирича, адабиётга имиллаб ё тутаб эмас, машъалдек пориллаб, ёниб, ўқувчиларнинг қалбини ёндириб кирди. Дарҳол Ғафур Ғуломдек, Миртемирдек алломаларнинг назарига тушди. Бир нечта гўзал асари билан росмана «Ёзувчи Одил Ёқубов»га айланди.

Кўплар қатори Одил ака менга ҳам устозлик қилган. 1962 йили радиода ишлардим. Ҳикоялар машқ қилиб юраман. Бир куни Носир Фозилов радио орқали ҳикоямни эшитиб қолибди. Носир ака «Шарқ юлдузи» журналида ишлар экан. Чақиртирди. Бордим. Икки оғиз гаплашдик. Кейин у киши бир нечта ҳикоямни танлаб олиб, Одил акага берибди. 1963 йили Одил аканинг «Оқ йўли» билан илк бор республика матбуотида чиқдим. Бир неча йил ўтиб, Одил ака Ёзувчилар уюшмасига тавсия ёзиб берди. Ўша тавсияномани авайлаб асраб қўйибман. Одил ака кейин ҳам менга ўхшаган укаларидан марҳаматини дариғ тутмади.

Бир сафар устоз Абдулла Қаҳҳор ҳазиломуз оҳангда «Мендай меҳнат қилса, майсмун ҳам ёзувчи бўлиб кетарди», деган эди. Биз ёшлар Одил акадаги руҳий қувват билан жисмоний ғайратнинг бирлашиб кетганига, у кишининг интизомига, ўзини бутунлай ижодий ишга бағишлаганига ҳамиша ҳавас қилардик. Бироқ тақлид қилолмас эдик. Оллоҳнинг неъмати барчага ўлчаб берилган. Одил ака бу неъматдан тўла фойдалана олган забардаст ёзувчилардан.

60-70-йиллар Одил Ёқубовнинг гуркираб ўсган йиллари бўлди. Йилма-йил янги қиссаси ёки туркум ҳикоялари чоп этиларди. Мен бир шогирд сифатида уларни бирма-бир санаб беришим мумкин. «Муқаддас», «Бахт қуши», «Матлуба», «Бир фельетон қиссаси», «Ларза», «Қанот жуфт бўлади» ва ҳоказо. Ниҳоят, Одил ака романга ўтди: «Диёнат» адабиётда воқеа, деб тан олинди. «Улуғбек хазинаси» эса, Одил акани ўз тенги ёзувчилар орасида бир қадам олдинга олиб чиқди, десам муболаға бўлмайди.

Мен Одил аканинг китобларини варақлаб ўтириб, ўйланиб қоламан: нега у кишининг асарларини мухлислар излаб ўқишади, нега ҳамиша ёнларида олиб юришади, баҳслашишади? Одил ака деярли барча асарларида халқнинг дардини, ҳаётдаги долзарб муаммони қаламга олади. Шунинг учунми? Ёзувчи шакл ва мазмун бирлигини доимо сақлай билади. Шунинг учунми? Айтадиган гапини мажозлар, гўзал образлар, ёркин характерлар, типлар орқали самимий, дилбар тил билан баён этади. Одил аканинг ёзганларини ўқиб, одам бефарқ қололмайди, ларзага тушасиз, куюнасиз, ўйланасиз, севинасиз, хуллас, руҳий мувозанатингизни йўқотасиз. Чин ёзувчининг бахти ҳам шунда бўлса керак.

Мен Одил ака ҳақида узоқ гапиришим мумкин. Сўзни мухтасар қилайлик. Чеховнинг бир гапи бор: «Талант инсонга ўзини эмас, ўзгаларни бахтли қилиш учун берилган». Одил Ёқубов адабиётимизнинг хазинасини бойитган баркамол асарлари билан халқини, миннатдор ўқувчиларини бахтиёр этиб келаётган ардоқли ёзувчиларимиздан биридир.

Рустам ШАРИПОВ олган сурат.

Она юрт қасидаси

Фирдавс боғларида
Жаннатий насим
Ризвон бўйларини
Уриб димоққа,
Жаннатий хушнаво
Қушларнинг сасин
Жаннатий қуйлар-ла
Қўйса қулоққа.
Жаннатий безакда
Миллион бўёқ
Ҳайрати яшнатиб
Кўйса кўзингни.
Бағрига олганда
Илоҳий ардоқ
Жаннатда юргандай
Сезсанг ўзингни.
Қалбингга жо қилиб
Алпвор виқорни.
Қуйламай бўлурми
Шундоқ диёрни?!

Қайсидир хорижий
Юртнинг бетакрор
Иқлими дардингга
Бўлса-ю дармон,
Ўз она уйингда
Фарзандлар зор-зор
Изингга термулиб,
Ўлтирса нолон.
Аждодинг пок жисми
Сингиган Замин
Бахмаллар тўшаса
Ўнгу сўлингда,
Бағрихун лолалар
Ҳижрон аламин
Енголмай қон йиғлаб
Ётса йўлингда,
Дил қўмсаб
Отанг бош қўйган
Мозорни,
Ўйламай бўлурми
Шундоқ диёрни?!

Бутун ер қуррасин
Айлаб ҳайрон-лол
Қаърида тиллолар
Ўйган бу тупроқ.
Куз чоғи ҳассасин
Суқиб кетса чол
Баҳорда гуллатиб
Қўйган бу тупроқ.
Ҳар қатра-мисқоли
Бойлик-зар, инжу
Беҳисоб ғазнага
Бўлса-ю эга,
Ўтмиши дунёга
Довруғ солсаю,
Келажаги буюк
Бўлмасин нега?!
Бағрига нақш этиб
Мангу баҳорни,
Сийламай бўлурму
Шундоқ диёрни?!

Ягона Ҳилолни
Мисли парвона,
Айлаб ярлақаган —
Худо суйган юрт.
Бутун ер қурраси
Узра ягона
Қуёшни тоқига
Илиб қўйган юрт.
Довруғи оламга
Таралган асно
Ғуруринг юксалса
Мисли Ҳимолай.
Муз қотган дилда ҳам
Ишқ этиб пайдо
Ўзига чорласа
Оҳанрабодай.
Жўр айтиб:
— Севаман! — деган
Иқрорни,
Сайламай бўлурми,
Шундоқ диёрни?!

Бировга буюрмас
Бировнинг мулки,
Холислик бор жойда
Бу ҳикмат тўғри.
Нохолис дунёда
Ноқислик шулки:
Бойлиги кўп уйга
Кўз тикар ўғри.
Баркамол авлод
Ҳей, навқирон насл!
Бу бой юрт ҳақида
Яна нелар дей?!
Қолмоғи учун шу юрт
Тоза асл,
Баралла ҳайқириб
Дерман:
Эҳе-ҳееей!
Пайини қирқиб,
Маҳв этиб ақёрни
Асрамай бўлурми
Шундоқ диёрни?!

Юртнинг гул кўркига
Ўқиб ҳамд-сано,
Сойлари чулдираб
Тўқиса қўшиқ,
Кўрганки одамзот
Боқса маҳлиё
Мисли ҳур-парига
Дуч келган ошиқ.
Бол тўла боғлари
Бахш этиб ифор.
Асалбўй саболар
Маст этган айём,
Япроқлар шивирлаб,
Ўқишиб ашъор
Сел каби қуйилиб
Келганда илҳом,
Булбулдай сайратиб
Сержаранг торни.
Қуйламай бўлурми
Шундоқ диёрни?!

Зиёвиддин МАНСУР.

GURUNG

РИВОЯТ

Абу Райҳон Беруний оғир дардга чалинди. Ҳозиқ табиблар имкон қадар муолажа қилдилар, аммо беморнинг аҳволи яхшиланмади, аксинча дард кундан кунга кучайиб борарди.

Сўнгги илинж

Бу дунёдан насибаси узилаётганини Берунийнинг ўзи ҳам сезиб турарди. Лекин унинг жўшқин табиати илму ирфон уммонидан сўнгги қатрагача олиб қолиш илинжида эди.

Бир куни уни кўргани дил маҳрами қози Валвалижий қадам ранжида қилди. Ҳолаҳвол сўрашгач, Беруний деди:

— Тунов куни нотўғри даромад хусусида бир нима дединг, вале далилинг чала қолиб эди, ўша мавзуга қайтсак...

Қози ажабланди.

— Ҳозир бу масалани муноқаша этмак мавридими, мавлоно, — деди у, — халлоқи оламдин сизга офият тилайдурмен, иншооллоҳ, ўшандай саодатли кунларга қолдирайлик бул масалани.

Беруний ранжиганнамо деди:

— Эҳ, қози жаноблари, дўстим! Сиз ҳам ярамга туз сепмангиз. Бу фоний дунёдин бир масала ечимин билмасдан ўлиб кетгандин кўра, билиб кўз юмган афзал эмасму? Айтинг энди!

Қози Берунийнинг товушидаги амирона оҳангга бўйсунишга мажбур бўлди ва нотўғри даромад борасидаги тахминларини батафсил сўзлади. Олим кўзларини юмганча тинглади ва хўрсинди.

Валвалижий жўнади. У уйига етар-етмас, ортидан шум хабар келди: Абу Райҳон Беруний оламдан ўтган эди.

Дўст – худонинг ИСМИДА

Оллоҳ Таоло ҳар бир жонзотни жуфт қилиб яратибди. Назаримда, дўст деб аталмиш икки инсон, икки жон ҳам ана шу муқаддас ҳилқатнинг бир бўлаги. Инсон борки, ўзига дўст ахтаради, дарду хаёли бир, ўй-тушунчаси муштарак, умумий тафаккури мағиздек туташ бир содиқ кимсани истайди. У билан дўст тутинади. Дўсти учун куяди, дўсти учун йиғлайди, дўстининг озорини озорим деб билади, дўсти билан фахр этади, қадрдони учун ўтдан ҳам, сувдан ҳам тоймайди, лозим бўлса жонини фидо қилади.

Бундай дўстлар албатта тарихда камроқ учрайди. Бу тақлид дўстлик хусусан улуғ алломалар орасида ноёб ҳодиса. Биз Беруний ва ибн Сино, Яссавий ва Ғиждувоний каби буюк боболаримиз ўртасидаги мислсиз дўстлик намуналарини биламиз. Даҳо шоиримиз Абдураҳмон Жомий ва Мир Алишер Навоий ҳазратларининг умр гулшанларини безаган ошнолик, диловар биродарлик эса, то ҳануз ақлимизни лол қолдиради.

Форс-тожик адабиёти билан туркий эл адабиётининг бу икки даҳоси гўёки икки тўлин ой бўлиб аламзада халқларнинг кўнгилларига зиё сочди, икки азим дарё янглиғ назм уммонини гавҳар ила тўлдирдилар.

Алишер Навоий эсини танибдики, пир деб Абдураҳмон Жомийнинг этагидан тутди. Жомий, ўз навбатида, ўғли тенги, аммо, зукко, беназир истеъдод соҳиби ила дўстлик риштасини боғлади. Шу тақлид то умр поёнига қадар икки аллома, икки вали орасидаги садоқат, ҳамкорлик ва сирли суҳбатлар давом этди. Бир-биридан баҳра олдилар, бир-бирларига атаб шоҳ асарлар битдилар. Ҳазрат Навоий Жомийга бўлган иззату икромини бир оғиз ўтли каломда изҳор этган:

— Муршиду устозу пир манга!

Мавлоно Жомий эса: «Ошнолиғ боғида, вафо шохида Навоий туради, Навоий лутф қилса шикасталар дилини эркалайди», дея башорат қилди ва бу кароматини сўнгги нафасигача асради.

Сўнгги нафас... Бу калима беихтиёр 1492 йилни ёдимга солди. Назму жавоҳир меъмори, шайхул Ислом, тенгсиз дўст Мавлоно Жомий фоний дунёдан кўз юмдилар. Мир Алишер учун бу кутилмаган зарба эди. У пир вафотига икки байтдан иборат таъриҳ битди. Байтларни Ҳиротнинг донгдор воизи Ҳусайн Кошифий юксак минбардан ўқиб берди:

— Гавҳари кони муҳаббат, дуру баҳри маърифат... — деб бошланадиган форсий таъриҳ ўқилганда тугаб-тугамас, минглаб халойиқ кўзида ёш йилтиради. Кўнгли ўксик Мир Алишер воиздан сўнг туркий лафзда битилган марсияни ўқиди, аламдан овози бўғилди.

Уламолар шайхул ислом-дан, Хонақоҳ аҳли тариқат пиридан, эл-юрт улуғ шоиридан жудо бўлган эди. Мир Алишер Навоий эса дўстидан, суянчиғидан айрилиб қолди. Бугунги замондошимиз ва ҳазрат Навоийнинг шогирди бўлмиш ардоқли шоиримиз тили билан айтсак, дўстдин айрилган ёмон, дўстдин айрилган ёмон!

Дўст бир-бирига қалқон дейди халқ. Дўст дўстнинг кўзгуси, дўст битмас давлат. Қиёматда ҳам жонингизга дўст ора кирармиш. Чунки дўст худонинг исмига яширинган. Модомики, Абдураҳмон Жомий ҳазратлари Навоий таъбири ила айтганда «Кашфул асрор» яъни илоҳий сирлар кашфиётчиси экан, унинг қиёматлик дўсти Алишер Навоий ҳам ўша илоҳий сирларнинг хазинабонидир.

Ҳама фан ичра, эй дўстлар,
нодири олам қани,
Одамийзот ичида ул
афзали одам қани?
Юзини қора қилиб
хома кўнгилга ўлди чок.
Ки, мани ҳожам ҳама
олим учун аълам қани?
Ҳужра холи-ю паришондир
китоблар сафҳаси.
Ҳужра соҳиби китоблар
нозири ҳамдам қани?

Доно халқ дейдики...

Кир ювгандан супурги
ҳам қўрқади.

***

Ота мулки бўлса ҳам аяб е.

***

Соғиб ичсанг — минг кунлик,
Сотиб есанг — бир кунлик.

***

Касални табиб эмас,
ҳабиб (дўст) тузатар.

***

Нодон бош бўлмас,
тариқ — ош.

***

Кўр бўлсанг ҳам
кўрнамак бўлма.

***

Дунё моли дунёда қолар.

***

Бировнинг мис товоғидан
ўзингнинг лой товоғинг яхши.

***

Саҳар турганнинг ризқи саккиз.

***

Туя ҳам яхши сўзга чўкар.

***

Кўрпанг қаерда —
кўнглинг шу ерда.

***

Кўпга кесак отма —
кўмувсиз қоласан.

Қушлар Башорати

Қалдирғочлар

Қалдирғочлар баланд-баланд, осмонлаб учса, ҳаво қуруқ келади. Улар безовта бўлиб, яъни гоҳ ҳаволаб, гоҳо ерга қараб учса, бўрон туради. Қалдирғочлар чўмилиб олиб, бир уясига, бир осмонга қараб учаверса, билингки, ёмғир ёғади. Улар дам-бадам ер бағирлаб учаверса ҳам ёғингарчилик бўлади.

Товуқлар

Товуқлар кулга ағанаб қанотларини тапиллатаверса, патларини тозаласа, ҳадеб қоқоғласа, ёғингарчилик бўлади. Агар улар айвондами, боғдами ёки ҳовлидами энг баланд кўноққа чиқиб олса, билингки, кун айнийди. Яна товуқ жўжаларини қанотлари остига олиб, жимгина ўтирса, ёғингарчилик бўлади. Товуқ ҳадеб думини у ёқ-бу ёққа бураверса, шамол туради. Қишда товуқ кўноққа вақтлироқ чиқиб, тепароққа ўтиришга интилдими, демак, қаттиқ аёз бўлади.

Қарғалар

Совуқ бўлишидан олдин қарғалар дарахт учига қўниб оладилар. Улар пастки шохга тушса, шамол туради, қорга қўнаверса, кун исийди. Агар қишда қарғалар тўп-тўп бўлиб юрса, гир-гир айланиб учса, бетўхтов қағилласа қор ёғади. Қарға тумшуғини қанотига яширса, совуқ бўлади. Улар тўп-тўп бўлиб, ҳаволаб учса ва булутларга етиб қолса, ёғингарчилик бўлади. Ёзда қарғалар чўмилса, ёмғир ёғади. Илк баҳорда сувга тушиб ўйнаса, бу ёз яхши келади, дегани.

Чумчуқлар

Чумчуқлар ҳолсираса, жим бўлиб қолса, қунишиб ўтирса ёхуд ерда ғуж бўлиб, қум тупроқда чўмилса, билингки, ёмғир ёғади. Кучли бўрондан олдин улар тўдатўда бўлиб кўчиб юрадилар.

Том бўғотларига ин қўйган чумчуқлар қишда товуқ патларини, хас-чўпни йиғиб, уяларига таший бошлайдилар. Қарабсизки, бир неча кундан сўнг қуруқ совуқ бўлади.

Чумчуқлар қишда дарахтда жимгина ўтирса, қор ёғади, бири-бири билан баслашиб чуғурлашса, кун исийди. Агарда бошларини қуйруқларига тиқиб ўтирса, қорбўрон бўлади.

Табиат сирлари

Ким экан у?

Бир киши концерт кўраётган эди. Хонанданинг қўшиғи ёқмади. У ёнидаги одамдан сўради:

— Бу аёлнинг овози мунча хунук? Ким экан у, билмайсизми, биродар?

— Биламан, — деди қўшниси, — у менинг хотиним.

— Э, узр, овози... унчалик ёмон эмас. Аммо қўшиқнинг мазаси чатоқроқ. Ким ёзган уни?..

— Мен ёзганман...

Афанди соч олдиргани сартарошхонага кирди. Сартарош Афанди билан ҳазиллашгиси келди ва ўтмасроқ устарани қўлига олиб, соч қира бошлади.

Устара қалай?

У ора-чўра атайин «Қалай, тақсирим, азиз бошингиз азият чекмаяптими?» деб сўраб қўярди. Афанди нечоғлик қийналса-да, тишини-тишига қўйиб ўтираверди.

Ниҳоят, сартарош соч олиб бўлгач Афандининг жиғига тегиш учун яна деди:

— Устара қалай экан, сизга ёқдими?

— Устаранг қиличдай экан, — деди Афанди, — сочимни шундай силаб-сийпадики, кўзим илиниб уйқуга кетибман. Туш кўрибман. Тушимда каттакон бир мовмушук бошимни тирнаб, тимдалаётган эмиш. Кўзимни очсам, «устара қалай?» деб тепамда сен турибсан, баччағар...

Сартарош бу сафар ҳам мот бўлди.

Яхшиники мингга татир



Бир киши боғда кезиб юрарди. Оддий дарахт баргига кўзи тушди. Олди. Ундан хушбўй ис тараларди.

— Сен нимасан, эй япроқ? — деди у, — гулмисан, анбармисан... Мунча ҳидинг ёқимли?

Япроқдан садо келди:

— Мен оддий терак баргиман. Бир неча муддат гулирайҳонлар орасида ётдим. Шу-шу, уларнинг мушки анбари менга уриб, гулсифат бўлибман.

Ҳисса: *гул қавмига ёвуқ бўлган япроқдан гул иси келгай ва аксинча, аччиқ алаф ёнида қолган гулдан сассиқ бўй келса, не ажаб?!*

Саҳифани ёзувчи Саъдулла СИЁЕВ тайёрлади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 959. 20437 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Б. Ғофуров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 12345